FINTIME MChJ shaklidagi Auditorlik Tashkiloti
Toshkent viloyati, Olmaliq sh, A. Temur ko'chasi 26-2 uy
Tel.: (+998) 94-446-03-07, faks: (+998) 97-446-03-07
e-mail: Z_XY-77@mail.ru
HR: 2020 8000 2054 3715 8001
ATB "SANOATQURILISHBANK"
Bank kodi: 00440, IFUT 69201
STIR: 308 852 209

AUDITORLIK TASHKILOTI

МУСТАҚИЛ АУДИТОР ХУЛОСАСИ

Тошкент ш 2026 йил 25 апрел

Аудиторлик хулосаси йўлланди:	«O'ZMAXSUSMONTAJQURILISH» АК Тошкент шаҳри Катта йул кўчаси 46-уй Ҳисоб рақами 2021 4000 2047 3792 7001 Ўзсаноатқурилишбанк, МФО 00440, ИНН: 201221898, ИФУТ: 70220 телефон: (93) 572 83 64;
Аудиторлик хулосаси тузилди:	МЧЖ «FINTIME» АТ Тошкент в, Олмалиқ ш, А. Темур 26-2. х/р 2020 8000 2054 3715 8001, АТБ "Саноатқурилишбанк", МФО: 00440; ИНН:308 852 209; ОКЭД: 69202. Ўзбекистон Республикаси Молия Вазирлиги томонидан 2021 йил 09 ноябрда аудиторлик ташкилотлари реестрига киритилган телефон: (97) 446-03-07.

Биз «O'ZMAXSUSMONTAJQURILISH» АК нинг 2025 йил 31 декабр ҳолатига бўлган молиявий ҳолат тўғрисидаги ҳисоботидан, кўрсатилган санада тугаган йил учун фойда ва зарарлар тўғрисидаги ҳисоботдандан иборат бўлган илова қилинаётган молиявий ҳисоботлари аудитини ўтказдик.

Жамият раҳбариятининг молиявий ҳисоботлар учун жавобгарлиги

Жамият рахбарияти мазкур молиявий ҳисоботларни Ўзбекистон Республикаси бухгалтерия ҳисобининг миллий стандартларига мувофиқ тайёрлаш, шунингдек жамият рахбарияти фирибгарлик ёки хато туфайли юзага келган муҳим бузиб кўрсатишлардан холи молиявий ҳисоботларни тайёрлаш учун зарур деб ҳисоблайдиган ички назорат тизимини таъминлаш учун жавобгар бўлади.

Аудиторнинг жавобгарлиги

Бизнинг жавобгарлигимиз мазкур молиявий ҳисоботлар бўйича ўзимиз ўтказган аудит асосида фикр билдиришдан иборат. Биз аудитни Аудитнинг Халқаро стандартларига мувофиқ ўтказдик. Мазкур стандартлар бизга ахлоқий талабларни бажариш, шунингдек аудитни молиявий ҳисоботларда муҳим бузиб кўрсатишлар мавжуд

эмаслигига оқилона ишонч билдиришни таъминлайдиган тарзда режалаштириш ва ўтказиш мажбуриятини юклайди.
Аудит молиявий ҳисоботларда акс эттирилган суммалар ва очиб бериладиган маълумотлар бўйича аудиторлик далилларини олиш учун тартиб – таомилларни бажаришни ўз ичига олади.

анланган тартиб таомиллар аудиторнинг мулоҳазасига, шу жумладан фирибгарлик ёки хато туфайли молиявий ҳисоботларда юзага келиши мумкин бўлган муҳим бузиб кўрсатишлар таваккалчиликларига берилган баҳога боғлиқдир. Бундай таваккалчиликларни баҳолашда, жамият ички назорат тизимининг самарадорлиги тўғрисида фикр билдириш мақсадида эмас, балки вазиятга мос келадиган аудиторлик тартиб – таомилларини ишлаб чиқиш мақсадида, аудитор тадбиркорлик субъекти ўз молиявий ҳисоботларини тайёрлаши ва ҳаққоний тақдим этиши билан боғлиқ бўлган ички назорат тизимини кўриб чиқади. Аудит ўтказиш қўлланилаётган ҳисоб сиёсатининг мақбуллигини ва тадбиркорлик субъекти рахбарияти томонидан ҳисоблаб чиқилган баҳоларнинг асослилигини баҳолашни, шунингдек молиявий ҳисоботларнинг умумий ифодаланишини баҳолашни ўз ичига олади.

Биз ўзимиз олган аудиторлик далиллари ўз аудиторлик фикримизни билдиришда асос сифатида таяниш учун етарлича тегишли далиллардир деб ҳисоблаймиз.

Аудитор фикри

Бизнинг фикримизча, «O'ZMAXSUSMONTAJQURILISH» АК ининг 2025 йил 31 декабрда тугаган йил учун тақдим қилинган молиявий ҳисоботлари барча муҳим жиҳатларда Ўзбекистон Республикаси бухгалтерия ҳисобининг миллий стандартларига мувофиқ тайёрланган.

«FINTIME»
МЧЖ Бош директори: **З. Халкулов**